



Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2007 йил 5 июль, № 130 (4283)

Пайшанба

Ўзбекистон —
Келажаги
буюк
давлат

Ишончли ҳамкорликнинг истиқболи порлоқ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 4 июль куни Оқсаройда Россия Федерацияси ҳукумати раисининг биринчи ўринбосари Сергей Ивановни қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси Президентлари — Ислам Каримов ва Владимир Путин 2004 йилда Стратегик шериклик, 2005 йилда эса Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартномаларни имзоладилар. Бу ҳужжатлар давлатларимиз ўртасидаги ўзаро манфаатли муносабатларни ҳар томонлама ривожлантириш учун мустаҳкам ҳуқуқий асос вазифасини ўтамоқда.

Бугун Ўзбекистон-Россия муносабатлари барча соҳаларда жадал суръатлар билан ривожланиб бораётганини кузатиш мумкин. Хусусан, 2006 йилда мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 42 фоиз ўсиб, 3 миллиард АҚШ долларидан ошди. Экспорт ва импортнинг таркиби кенгайиб, салмоғи ортиб бормоқда. Утган йили Россия Ўзбекистондан бир миллион тоннадан ортиқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиб олди. Бу 2005 йил кўрсаткичидан 3 қарра кўп демасди.

Савдо-иқтисодий ҳамкорлик асосан машинасозлик, ёғочни қайта ишлаш, қишлоқ хўжалиги, энергетика, электротехника ва фармацевтика каби соҳаларда жадал ривожланмоқда. Нефть-газ, тоғ-кон саноати, қора ва рангли металлургия ҳам устувор тармоқлардир. Бундан ташқари, телекоммуникация ва дастурий таъминот, машинасозлик, кимё, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, тўқимачилик, сайёҳлик соҳала-



ридаги алоқаларнинг истиқболи порлоқ.

Шунингдек, сарможий ҳамкорлик кенгаймоқда. Айни пайтда Ўзбекистонда Россия сарможиси иштирокида тўрт юз эллиондан зиёд, Россияда Ўзбекистон сарможиси билан уч юзга яқин қўшма корхона фаолият юритмоқда.

Ўзбекистон билан Россия ўртасида ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорлик тўғрисидаги ҳужжат ҳам амалда. Бу йўналишдаги алоқалар ҳарбий маҳсулотлар етказиб бериш, ҳарбий техникани янгилаш, кадрлар тайёрлаш, биргаликда машқлар ўтказиш, коинотда тадқиқ этиш бўйича давлатлар-

аро дастурлар тузиш каби тадбирларни ўз ичига олади.

Таъкидламоқ жоизки, Ўзбекистон ва Россия Президентлари кейинги даврда икки томонлама иқтисодий ҳамкорлик фаоллашиб бораётгани муносабати билан ҳамда Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Россия ҳукуматлар-

аро қўшма комиссиясининг фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида ушбу органнинг мақомини кўтаришга келишиб олдилар. МДХнинг яқинда Санкт-Петербург шаҳрида бўлиб ўтган норасмий саммити чоғида Владимир Путин мазкур қўшма комиссияга Россия Федерацияси томонидан ҳукумат раисининг биринчи ўринбосари С.Иванов ҳамраис бўлишини маълум қилди.

Президент Владимир Путиннинг ушбу қарори Россиянинг Ўзбекистон билан муносабатларга муҳим аҳамият бериб, ўзаро ҳамкорлик суръатини янада оширишга интилаганидан далолатдир, — деди Ислам Каримов. — Ўзбекистон — Россия муносабатлари жадал ривожланмоқда, алоқалар ўзаро ишончга асосланган, ҳамкорликнинг истиқболи порлоқ. Сиз раҳбарлик қилаётган делегациянинг таркиби ҳам Россияда Ўзбекистон билан муносабатларни ривожлантиришга иштиёқ кучли эканлигини кўрсатади. Тошкентда ўтадиган музокаралар самарадор натижалар билан яқунланишига ишонамиз.

С.Иванов Россия Ўзбекистонни Марказий Осиёдаги энг яқин ҳамкорларидан деб билишини, ташрифдан қўзланган асосий мақсад ўзаро муносабатларни янада ривожлантиришнинг янги имкониятларини кўриб чиқишдан иборат эканлигини таъкидлади. Хусусан, юқори технологиялар соҳасида илмий-амалий ҳамкорликни янада кенгайтириш учун икки томонда ҳам катта имкониятлар мавжудлигини қайд этди.

Учрашувда икки томонлама муносабатларни ривожлантиришга доир ҳамда томонларни кизиқтирган бошқа масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

(Ў.А.)
Абдувоҳид Тўраев
олган сурат.

Россия Федерацияси ҳукумати раисининг биринчи ўринбосари Сергей Иванов 4 июль куни пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев билан учрашди.

СЕРГЕЙ ИВАНОВ:

ЎЗБЕКИСТОН БОЗОРИ — РИВОЖЛАНГАН ВА БАРҚАРОР

Икки мамлакат ҳукуматларининг кенгайтирилган таркибдаги музокараларида Ўзбекистон ва Россиянинг ташқи иқтисодий алоқалар, молия, энергетика, нефть-газ, транспорт коммуникациялари, мебелсозлик, сайёҳлик соҳалари учун масъул вазирлик ва идоралари, компания ва концернлари раҳбарлари иштирок этди. Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари икки мамлакат Президентлари — Ислам Каримов ва Владимир Путин томонидан 2005 йилда имзоланган Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома асосида изчил ривожланиб бораётгани алоҳида таъкидланди.

Томонлар ўзаро савдо-иқтисодий алоқаларнинг истиқболлари, хусусан, ёқилғи-энергетика мажмуи ва авиасаноат соҳасида узок муддатли ҳамкорлик билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилдилар. Ўзбекистон энергетика соҳасидаги ҳамкорлик тармоқ инфратузилмасини ривожлантириш, геология-разведка, конларни аниқлаш ва ўзлаштириш, энергия манбаларини ташвиш каби тадбирларни кўзда тутди. Авиасозлик соҳасида эса икки мамлакат ҳамкорликда самолёт ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш билан шуғулланди.

Музокараларда коинот тадқиқотлари, атом энергетикаси, банк-молия, қишлоқ хўжалиги каби соҳалардаги ҳамкорликни кенгайтириш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Россия Федерацияси ҳукумати раисининг биринчи ўринбосари Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасидаги етакчи давлатлардан эканлиги алоҳида таъкидлаб, Россия мамлакатимиз билан савдо-сотиқ ҳажминини янада оширишдан манфаатдор эканлигини қайд этди. Унинг таъкидлашича, Россия Ўзбекистон иқтисодиётига кийришган сармож ҳажминини янада кўпайтириш ниятида.

Бугунги кунда Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги иқтисодий муносабатлар қарийб барча йўналишларда, жумладан, авиасозлик, машинасозлик, транспорт ва телекоммуникациялар, соғлиқни сақлаш, фармацевтика, озиқ-овқат, ёғочни қайта ишлаш саноати, қишлоқ хўжалиги, энергетика ва электротехника каби соҳаларда из-

чил ривожланиб бормоқда. Ўқилғи-энергетика соҳасидаги ҳамкорлик ҳам тобора кенгаймоқда.

2006 йилда мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 42 фоиз ўсиб, 3 миллиард АҚШ долларидан ошди. Жорий йилда ушбу кўрсаткич сезиларли даражада кўтарилиши кутилмоқда. Ўзбекистондан Россияга юмашё ва ярим хомашё маҳсулотлар қаторида асоб-усуна, транспорт воситалари ва бошқа турдаги юқори технологияли маҳсулотлар экспорт қилинади. Россиядан Ўзбекистонга транспорт воситалари, металлони қайта ишлаш ва целлюлоза-қоғоз саноати маҳсулотлари импорт қилинади.

Учрашувда, шунингдек, муҳофаза ва ҳавфсизлик, миграция соҳаларидаги ҳамкорликка доир масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Музокаралар якунида икки мамлакат ҳукуматлари ўртасида Ўзбекистонда Россия ва Россияда Ўзбекистон фуқароларининг меҳнат фаолияти ва уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги, ноконуний миграцияга қарши кураш борасида ҳамкорлик қилишга, реадмиссия тўғрисидаги битимлар, шунингдек, Идорада бюрократия бўйича ИЛ-76МФ русумли самолётларни етказиб беришга оид шартнома имзоланди.

С.Иванов оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда таширф доирасидаги музокаралар самарали кенганини, имзоланган ҳужжатлар икки мамлакат манфаатларида хизмат қилишини таъкидлади.

— Музокараларимиз натижаларидан мамнунмиз, — деди Россия Федерацияси ҳукумати раисининг биринчи ўринбосари. — Ўзбекистон бозорини яхши ривожланган ва барқарор бозор сифатида эътироф этамиз. Сунгги ойларида мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 46,9 фоиз ўсди. Бу яхши кўрсаткич, албатта, лекин ҳали мамлакатларимиз салоҳияти тўла ишга солинган йўқ. Тошкентда ўтган музокаралар асосида Ўзбекистонга қўшма сармож киритиш борасида келишиб олдик.

Надира МАНЗУРОВА,
Ў.А. мухбири.

Наманган:

БУГУНИ ОБОД, ЭРТАСИ ФАРОВОН ЗАМИН

Водийларни яёв кезганда...



Ўлкамизда пишиқчилик. Боғларда гилос, олма, ўрик, нок ва олхўри дарахтларининг шохлари ҳосилдан ларзон-ларзон бўлган бўлса, полиз пайкалларида уфуриб турган хандалак ҳиди димокни қитқилайди. Беловён галлазорларда эса бугдой бошоқлари олтиндай товланади.

Ана шу ширин-шакар мевалару полиз маҳсулотлари ҳам, қайроқи бугдой ҳам — халқимизнинг ризқ-насибаси. Бари бободехқоннинг пешона тери билан яратилган.

Шу боис бугун Наманган вилоятининг қайси бир ҳудудига борманг, боғ ва полиз неъматлари саранжомланаётганига, галла ҳосили ўриб-янчиб олинаётганига, йўللарида эса дон ортилган машиналар қаровни қабул пунктларига ошиқайтганига гувоҳ бўласиз.

Ўзбекистоннинг ёзига хос бундай шуқули ва беатқор манзара, табиийки, хорижий сайёҳни хайратга солади, киносанъаткорга илҳом бахш этади, шоир қалбиди инча сатрлар уйғотади, журналистни эса водийларни яёв кезишга чорлайди...

Аммо ўша манзаранинг иждоқори — дехқоннинг ўзи бу маҳобатни ё сезади, ёки кўриб-билиб турса ҳам,

хайрли ташвишлари ила андармон бўлади. Шу билан куннинг тунга, туннинг кунга уланганини гоҳо англамай ҳам қолади.

— Дехқоннинг кунни тугди, — дейди Наманган туманидаги «Абдухалил Қодиров» фермер хўжалиги раҳбари Сайфулло Қодиров ўзининг хайрли ташвишларини ўртоқлашиб. — Мендай чекка бир қишлоқнинг оддий бир адами бугун 41 гектар ерга, қўша-қўша техника-

га эгалик қилаётганини айтаялман-да. Бунга кенг йўл очиб берган, қишлоқ мулкдорини ҳаммаша қўлаб-қувалтаб келаётган Юрбошимизга раҳмат! Энди шу эътибор, шу ғам-хўрликка жавоб бериш керак-да.

Утган йили кунда биз, масалан, 10 гектар ерга бугдойнинг «Чиллаки» нави уруғини сепгандик. Ионининг бошида шунча майдондан 69 тонна ҳосил йиғиштириб олдик. Яъни

ҳосилдорлик гектарига 69 центнерданга тўғри келди. Унинг 38 тоннасини давлат омиборига топшириб, шартнома мажбуриятини ошириб бажардик. 2 тоннасини камхарж оилаларга, қолганини эса фермер хўжалигида меҳнат қилаётган кишиларга бўлиб бердик.

— Ҳаётимда кўплаб раис ва бригадирларни кўрганман, — дея сўхбатга қўшилиди кекса муаллим Қамбарали ота Мамадалиев. — Уларнинг тасар-



руфиди 100-500 гектар ер бўлса-да, қишлоқ ҳақида қай-гурмаган, лекин ўзининг ҳузурини ўйлаганлари ҳам кўп бўлган. Мана, фермер дегани — чинакам янги замон киши-си, ўзи учун ҳам, ўзгалар учун ҳам бирдай жон қойишга инсон эканлигини ҳаммаҳалла-миз Сайфулло мисолида кўриб турибмиз. Бултур ҳудди шундай ённинг жазирама қуларидан денг, у ўз сарможидан 5 миллион сўм сарфлаб, 182 метр чуқурликдан тоза ичимлик суви олиб чиқувчи қудуқни қовлатиб берди. Ушандан бери салкам 800 хонадондан иборат «Шамсикўл» маҳалласининг аҳли уни дуо қилиб келаяпти.

(Давоми 2-бетда).

Мамлакатимизда энг улғу, энг азиз байрамимиз арафасида қатор янги замонавий иншоотлар ишга туширилмоқда.

ҚИШЛОҚ АҲЛИГА БАЙРАМ ТУҲФАСИ

Тошкент тумани ҳам сунгги йилларда янада чирой очиб, кўркам ва файзли кибфа касб этаётир. Бу ерда кўлаб тиббиёт, таълим-тарбия муассасалари, маъмурий ва турар жой бинолари, сўлим боғ ва хиёбонлар барпо этилмоқда.

«Хасанбой» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидида «Хасанбой-Муруват-текс» трикотаж фабрикаси, шифона, маҳалла фуқаролар йиғини ва милиция таянч пункти биноси фойдаланишга топширилди. Бу ердаги қурилиш-таъмирлаш ишларини тез ва сифатли амалга оширишда «Нефгазмонтаж» қўшма корхонаси бунёдкорларининг ҳиссаси катта бўлди.

— «Хасанбой-Муруват-текс» фабрикасида ҳозир 16 турдан ортиқ кийим-кечак тикимлоқда, йил охирига бориб маҳсулот тури саксондан ортади, — дейди корхона раҳбари ўринбосари Азиза Ғиёсова. — Бунинг учун бу ерда барча шарт-шароит яратилган. Фабрика тўлиқ хориқ технологияси ва асоб-усуналари билан жиҳозланди.

Бу ерда йилга 1,5 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлаш имконияти мавжуд. Маҳсулотнинг асосий қисmini экспортга чиқариш мўлжалланмоқда. Энг муҳими, беш юз нафар хотин-қиз доимий иш ўрнига эга бўлди.

(Давоми 2-бетда).

«Энг яхши шахар»

Марғилон шаҳри ЭКОСАН халқаро ташкилоти ташаббуси билан ўтказилган танловнинг иккинчи босқичида «Энг яхши шахар» номини олиб, голибликни қўлга киритди. Зеро, ўзининг 2000 йиллик юбилейини ўтказишга ҳозирлик қўраётган Марғилон кўчалари ва хиёбонлари, корхона, ташкилот, муассасаларида, ўқув юрларида атроф-муҳитни муҳофаза этиш борасида жуда катта ишлар амалга оширилмоқда.

Фолиб шахарга «ЭКОСАН» халқаро ташкилотининг махсус дипломи ва автотранспорт топширилди.

Мухаммадjon МАҲМУДОВ.

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

Андижондаги «Спектр» масъулияти чекланган жамияти томонидан «ЎзДЭУавто» акциядорлик жамиятига етказиб берилган бутловчи қисмлар сони

20 тадан ошди

Жамоада ички имкониятлардан оқилна фойдаланиш ҳисобига мураккаб техник ишланмаларни ҳал этиш, ишни уч сменада ташкил қилиш, ойлик иш ҳажини ўртача 100 минг сўмгача ошириш, қарийб 40 нафар ички-хизматчини кунига икки маҳал бепул иссиқ овқат билан таъминлаш ана шундай ижобий кўрсаткичга эришиш имконини берди.



ЖАҲОН

24 соат ичида

Назорат кучайтирилди



Покистон ҳукумати мамлакатда, жумладан пойтахт Исламабадда назоратни кучайтирди. Сешанба кuni шахарда радиал кайфиятдаги талабалар ва хавфсизлик кучлари ўртасида содир этилган тўқнашув оқибатида қурбонлар бўлди.

ОАВ маълумотига кўра, отишмалар 12 кишининг ёстигини кўрсатди, яна юздан ошқ киши жароҳат олди.


Автотранспорт сони қисқаради

2008 йилда Пекинда ўтказиладиган ёзи Олимпиада уйинлари ташкилотчилари шахар транспорт тизимида 50 минг такси ва 10 минг автобус катновини қисқартиришни режалаштирди.



Бунга шахарда атмосфераининг ифлосланиши асос қилиб кўрсатилмоқда. Ушбу тақлиф Халқаро олимпиада қўмитаси томонидан илгари сурилди.

КХДР шартларга рози



Расмий Сеул КХДРга 10 минг тонна ёнглик жўнатишга тайёр эканлигини билдирди. Бунинг учун Корея Халқ Демократик Республикаси Ионбэндаги ядро қурли ишлаб чиқаришга мўлжалланган атом реакторини тўқатиши керак. Олти томонлама музокараларда ушбу реакторни тўқатиш эвазига донор давлатлар 50 минг тонна ёнглик етказиб беришга ваъда берган эди. Расмий Пхеньян шу шартномага асосан ўтган hafta МАГАТЭ инспекторларини Ионбэндаги атом станциясига киритди. Инспекторлар текширув натижаларидан қониқиб ҳосил қилишганини таъкидладилар.

Сешанба кuni давлат раҳбари Ким Чен Ир ҳам Хитой ташқи ишлар вазири билан учрашув чоғида ўз мамлакатини шу йилнинг 13 февраль кuni имзоланган олти томонлама музокаралар шартларини бажаришга тайёр эканлигини айтган эди.

Мухбир озод этилди

Бундан тўрт ой аввал Габо секторидан ўғирлаб кетилган «Би-би-си» мухбири Алан Жонстон озод қилинди.

Айни пайтда мухбир ўзини яхши ҳис этаётганини таъкидлади. «Эркинлик — дунёдаги энг бебаҳо нەъмат экан», деди Жонстон ҳаммасларига берган интервьюсида. 45 ёшли журналист озодликка чиққандан кейин «ХАМАС» ташкилотининг бош қароғоҳига олиб келинди. Эслатиб ўтамиз, Жонстон шу йилнинг 12 мартда «Ислам армияси» гуруҳи аъзолари томонидан ўғирлаб кетилганди.

Маошни ўмариб кетишди

Кеча эрталаб Санкт-Петербург шаҳри марказида инкассаторга уч нафар номаълум қуролланган шахс ҳужум уюштирган. Бу ҳақда ИТАР-ТАСС хабар тарқатди. Инкассатор Петербург Технология университети ходимларининг маошини олиб келаётган эди. Машина университет олдида келиб тўхтаганда жиноятчилар ҳужум уюштиришган. Натижада,

олий ўқув юрти қўриқлаш хизмати бошлиғи жароҳатланган. Жиноятчилар 31 миллион рублнинг ўғирлаб кетишган. Шаҳарда уларга нисбатан жиноий иш очилиб, қидирув ишлари олиб боришмоқда.

Тарихда илк марта

Ҳиндистон ва Буюк Британия ҳарбий ҳаво кучлари тарихда илк марта ҳамкорликда ўқув машқларини ўтказди. Машқларда Ҳиндистоннинг олти Су-30 МКИ қирувчи самолёти қатна-

шиши режалаштирилган. Айни пайтда ушбу қирувчи самолётлар парвозига гарбий мамлакатлар ҳарбий ҳаво кучлари катта қизиқиш билдирмоқда.

Дунёдаги энг бой одам

Microsoft компанияси асосчиси Билл Гейтс 13 йилдан буюн дунёнинг энг бой одами ҳисобланиб келинади. Forbes журналидаги сўнги маълумотларга қараганда, мексикалик олигарх Карлос Слим бу бордада уни орта қолдириб кетган.

Бундан ярим йил олдин Карлос Слим ушбу рўйхатда учинчи ўринни эгаллаб турганди. Лекин ярим йилда унинг маблағи рекорд дара-

жада — 49 миллиарддан 67,8 миллиард долларга кўпайган. Мутахассисларнинг таъкидлашича, Слимга қарашли компанияларнинг деярли ҳаммаси Мексикада монополист корхоналар ҳисобланади. Шунинг учун ҳам унинг маблағи тезлик билан кўпайиб бормоқда.

Журнал хабарига кўра, Билл Гейтснинг бойлиги 59,2 миллиард доллар экани таъкидланган.

Хориж маъбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ

1-талабалар турар жойи биносининг 3-4-қаватларини капитал таъмирлаш учун тендер эълон қилади. Танлов газетада эълон чиққан кундан бошлаб — 5 кун.

Мурожаат учун телефонлар: 133-66-36, 136-28-55. Ички телефон: 1-15.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

2007-2008 ўқув йили учун бакалаврият ва магистратурага қабул эълон қилади.

Тошкент давлат аграр университети нафақат республикамизда, балки Марказий Осиёда етук, малакали қишлоқ хўжалиги мутахассисларини тайёрлаш бўйича таянч олий ўқув-илмий ва маърифий маскандир.

Ҳозирги кунда университетда мавжуд 5 та факультетнинг кундузги бўлимида қуйидаги 17 та: - касб таълими (агрономия); касб таълими (қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш); иқтисодиёт (қишлоқ хўжалигида); маркетинг (қишлоқ хўжалигида); бухгалтерия ҳисоби ва аудит; фермер хўжалигини бошқариш; агрохимия ва тупроқшунослик; агрономия (деҳқончилик маҳсулотлари бўйича); ўсимликлар химияси ва карантин; қишлоқ хўжалиги экинлари уруғчилиги ва селекцияси; қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, сақлаш ва уларни дастлабки қайта ишлаш технологияси; зоотехния (тармоқлар бўйича); ўрмончилик; ипакчилик; қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш; қишлоқ хўжалигини электрлаштириш ва автоматлаштириш; ветеринария йўналишлари бўйича бакалавриятга қабул қилинади.

Ҳужжатлар 20 июндан 20 июлгача қабул қилинади.

Қуйидаги ҳужжатлар топширилади: - университет ректори номига ариза; - ўрта ёки ўрта махсус маълумоти ҳақидаги ҳужжатнинг асл нусхаси; - паспорт нусхаси; - 086/У шаклидаги тиббий маълумотнома; - 3,5x4,5 см. ўлчамли 6 та фотосурат.

Паспорт ва ҳарбий хизматга алоқадорлиги ҳақидаги ҳужжат шахсан кўрсатилади.

Университетга қуйидаги 38 та:

- иқтисодиёт (соҳалар бўйича); менежмент (соҳалар бўйича); бухгалтерия ҳисоби (қишлоқ хўжалигида); мева-сабзавотчиликда биотехнология; тупроқшунослик; агрохимия; касб-ҳунар фанларини ўқитиш методикаси (агрохимия ва агроупроқшунослик); пахтачилик; ўсимликшунослик; умумий деҳқончилик; агрономия (далачилик); дончилик; сабзавотчилик; мевачилик; ўсимликларни касаллик ва зараркундалардан ҳимоя қилиш; энтомология; фитопатология; пахта уруғчилиги ва селекцияси; дала экинлари уруғчилиги ва селекцияси; деҳқончилик маҳсулотларини етиштириш, сақлаш ва уларни дастлабки қайта ишлаш технологияси; мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш, сақлаш ва уларни дастлабки қайта ишлаш технологияси; пахта хомашёси етиштириш, сақлаш ва уларни дастлабки қайта ишлаш технологияси; қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаш; наслчилик; паррандачилик; асаларичилик; балиқчилик; аҳоли яшаш жойларини қўқаламдорлаштириш ва ландшафтни қурилиш; ипак қурти биологияси ва агротехникаси; ипак қурти уруғчилиги; ўрмон мелиорацияси; деҳқончиликни механизациялаштириш; чорвачиликни механизациялаштириш; қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш қурилмаларидан фойдаланиш ва уларга техник сўвраси кўрсатиш; хорижий техникаларга сўвраси хизмати кўрсатиш; трактор, автомобиль ва қишлоқ хўжалиги техникаси маркетинги; электр ускуналари-дан фойдаланиш ва уларга техник сўвраси кўрсатиш мутахассисликлари бўйича магистратурага қабул қилинади.

Ҳужжатлар 1 июлдан 30 июлгача қабул қилинади.

Қуйидаги ҳужжатлар талаб этилади: - магистратура мутахассислиги кўрсатилган ҳолда университет ректори номига ариза; - олий маълумоти ҳақидаги ҳужжатнинг асл нусхаси ҳамда унинг иловаси; - паспорт нусхаси; - 086/У шаклидаги тиббий маълумотнома; - 3,5x4,5 см. ўлчамли 6 та фотосурат.

Паспорт ва ҳарбий хизматга алоқадорлиги ҳақидаги ҳужжат шахсан кўрсатилади.

Вилоятлардан Тошкентга келиб университетга ҳужжат топширувчи абитуриентлар учун барча қулай, зарур шароитлар мавжуд. Улар ётоқхона билан тўлиқ таъминланадилар. Шунингдек, улар учун тест синовларига кирган фанлар бўйича малакали профессор-ўқитувчилар томонидан консултациялар олиб борилади. Ҳарбий муқобил хизматни ўтаб қайтган ёшлар учун танлаган йўналишлари бўйича махсус тайёрлов курси фаолият кўрсатмоқда.

Замонавий ўқув хоналари, кутубхона, маший хизмат уйи, экспериментал муассасаси, қишлоқ хўжалиги илмий тадқиқотлар ва ўқув-тажриба станцияси, спорт заллари, поликлиника ҳамда профилакторий талабалар хизматида.

Азиз йигит-қизлар!

Мустақил мамлакатимизнинг қишлоқ хўжалигини ривожлантиришдек эзгу ишларга ҳисса қўшишни оруз қилган ёшлар! Сизларни университетимиз талабаси бўлишингизга тилакдошимиз!

Омад сизларга ёр бўлсин!

Ректорат

Бизнинг манзил: 100140, Тошкент шаҳри, ТошДАУ.

19, 83, 96, 115, 129, 491-автобусларнинг «Тошкент давлат аграр университети» бекати.

БОЗОРИНГИЗ БАРОРИДАН КЕЛСИН

Республика кўчмас мулк биржасининг вилоят филиали ўтган йили Адлия вазирлиги томонидан ўтказилган танловда ғолиб чиққач, «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш жараёнида автотранспорт воситалари ва кўчмас мулкни сотиш тартиби тўғрисида»ги Низом асосида иш юритиш ҳуқуқини қўлга киритганди.

Биржада

Филиал жамоаси Суд департаменти Жўзаҳ вилояти ҳудудий бошқармаси, корхона ва ташкилотлар раҳбарлари ҳамда жисмоний шахслар билан ҳамкорликдаги фаолиятини кўнайтириб, ярим йилда аукцион савдо ҳажми илк бор 339 миллион сўмдан ошди. Савдо жараёни энг замонавий усулларда тақомиллаштириб боришга эришадиган филиал ходимлари асосий эътиборни тадбиркорлик ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлашга қаратмоқда. Жорий йилда савдога қўйилган 40 та объектнинг асосий харидорлари ҳам кичик бизнес вакиллари бўлишди.

Ўзбекистон Республикасининг «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунига асосан ўтган ойда «банкрот» деб эътироф этилган корхоналар мол-мулкларини сотиш бўйича 9 та объект савдоси уюштирилиб, 426,5 миллион сўмга сотилган ҳам жамоанинг ҳозиржавоблиги ва ошқора фаолияти натижадир.

Баҳриддин САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«СОВПЛАСТИТАЛ» ҚҚ

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 16 йиллигига бағишлаб, қўшма корхона ташкил этилганлигининг 20 йиллиги арафасида

ишлаб чиқараётган маҳсулотига тарихда мисли қўрилмаган даражада қуйидаги

ЧЕГИРМАЛАРНИ

эълон қилади:

- Барча турдаги пластмасса маҳсулотларига **30% дан 50% гача.**
- Сополдан ишланган маҳсулотларга **30% гача.**
- Юқори бадий чинни маҳсулотларига **20% гача.**
- Матодан ишланган сунлий гуллар **30% гача**

Ўзбекистон банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖ

2007 йил 20 июль кuni соат 11.00 да Ўзбекистон банклари ассоциацияси биносида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига

Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан 2007 йил 19 январдаги 35-563-сонли ижро ҳужжатига асосан тақдим этилган Тошкент шаҳри, Яқсарой тумани, Бешчирноқ кўчаси, 2-уйда жойлашган «Аль-Пари-Инвест» МЧЖ шаклидаги ҚКга тегишли икки қаватли ва ертўлага эга бўлган ишлаб чиқариш биноси (3075 кв.м.) қайтадан қўйилади.

Бошланғич баҳоси — 323 980 000 сўм. Ушбу мулкларни суд ижрочилари бўлинмаси вакили иштирокида бевосита жойга чиқиб кўриш мумкин. Савдода қатнашиш учун харидорлар тўлов ҳужжатида мулк номи, ижро ҳужжати рақами ва санаси кўрсатилган ҳолда объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорида зақалат пулини Ўзбекистон банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖнинг «Асва» банки «Автотранспорт» филиалининг «Альянс» минни банкидаги, МФО 00417, СТИР 204325773, х/р 20208000804234776001 тўлашлари ва ариза топширишлари шарт. Иштирок этиш учун топшириладиган аризалар ва зақалат пулларини қабул қилиш савдодан бир кун олдин тўхтатилади.

Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалари юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Хўжаев кўчаси, 1-уй. Телефонлар: 138-69-94, 138-69-93.

Лицензия ДВ001 № 000010.

АХБОРОТ РЕСУРС МАРКАЗЛАРИ

Президентимизнинг «Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида»ги Қарори эълон қилингандан сўнг академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари таркибидagi кутубхоналари замонавий талабларга жавоб берадиган ахборот ресурсларига (АРМ) айлантириш бошланди. Кутубхоналар компьютер, принтер, сканер, нусха қўчириш ва бошқа бир қатор қурилмалар билан таъминланди. Ахборот-ресурс марказларидаги компьютерлар локал тармоқ орқали бирлаштирилди, интернетга улан-ди. Аммо, бу билан кутубхона «Ахборот-ресурс маркази»га айланиб қолмайди. АРМларнинг электрон каталоги ким томонидан ва қандай усулда шакллантирилади? Ундаги асосий ахборот жараён-лари қайси дастур асосида автоматлаштирилади?

қандай бўлиши лозим?

Самарқанд Давлат иқтисодиёт ва сўвраси институти қошидаги академик лицейда қарор моҳиятидан келиб чиқиб, биринчилар сафидa марказ ходимларининг малакасини оширишга эълон қаратилди. АРМ директори Цой Наталья 2 ҳафта давомида Ахборот технологиялари университетида малака оширди. Унинг тақлифига кўра, академик лицейга кутубхона технологияларини автоматлаштиришга мўлжалланган ИР-БИС тизими олинди. Академик лицей ўқитувчилари учун ҳам махсус семинар ташкил қилиниб, «автоматлаштирилган кутубхона» ва «электрон кутубхона» мавзуларида маълумотлар берилди. Шунингдек, яратилган электрон ресурсларни каталоқлаштириш ва тўлиқ матни маълумотлар базасини шакллантириш ёки бошқа айтганда, талабаларни тизимлаштирилган ахборотлар билан таъминлаш тўғрисида тушунчалар ва кўрсатмалар берилди.

Ҳозирги пайтда марказ ходимлари ўз электрон каталоқларини шакллантириш билан шуғуланмоқдалар. Мазкур база тўлдирилган, яратилган каталоқта лицейнинг ички тармоғи орқали барча кафедралар, интернет сифи ва ўқув залларидан кириш имкони тузилади. Академик лицей ўқитувчилари томонидан яратилган электрон ресурслар (маърузалар матни, электрон дарсликлар, мақолалар ва бошқалар) ИРБИС тизимининг каталоғида тасвирлангандан сўнг улардан фақатгина библиографик ахборот сифатида

Шундай қилиб, академик лицей асосий технологик жараёнларни автоматлаштириш имкониятини берувчи ИРБИС тизимини жорий қила бошлади. Яна бир-бир ярим йил ичида фонддаги барча ҳужжатлар тўғрисидаги библиографик маълумотлар асосида электрон каталоқ шакллантирилган, марказ автоматлаштирилган тартибда иш бошлаши мумкин. Демак, дастлаб тизимдаги барча асосий технологик жараёнлар автоматлаштирилади, сўнгра улар асосида электрон кутубхона яратилади. Бу узоқ давом этадиган машаққатли вазифадир. Шунинг учун ҳам Самарқанддаги мазкур академик лицей бошқа ўқув муассасаларидан фарқли ўлароқ барча техник, дастурий воситалар, юмшоқ меъеллар ва энг асосийси, малакали кадрлар билан таъминлангани билан алоҳида ажралиб туради.

У. ҚАРИМОВ, техника фанлари номзоди.

МИНСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ

«МАЗ» русумли, юк ва йўловчи ташувчи автомобилларни (автobусларни) ва улар негизда тайёрланган махсус техникаларни (кранлар, бетонқорғичлар, экскаваторлар, ёнгли ташувчиларни) тақлиф этади.

МИНСК АМКОДОР ЗАВОДИ

(Минск шаҳридаги собик «СоюзДорМаш» ва «Ударник» заводлари) «Амкодор» русумли фронтал юклагичларни (ТО-18К, ТО-18Б ...), йўл қурилиш, коммунал, ўрмон, қишлоқ хўжалиги (МТЗ трактори негизда) ва махсус техникаларни тақлиф этади.

Бунинг учун Минск шаҳрига боришингиз шарт эмас, фақат Тошкентдаги расмий вакилимиз — «O'zbekMAZservice» қўшма корхонасига мурожаат қилсангиз, бас.

Манзил: 700005, Тошкент ш., Миробод тумани, «8 Март» к., 57-уй. Телефон/факс: 191-64-06, 191-68-94. E-mail: UzbekMAZservice@mail.ru

«Крокус Газ Сервис» ҚҚ

(Чкалов номи ТАИЧБ ДАБ)

«Газсерайс» ЕАЖ ва «Сигнал» ЭАЖнинг Ўзбекистон ҳудудидagi расмий вакили бўлиб, турли русумли ва катталикдаги қозонларни тақлиф этади:

- горелка ўрнатилган, газда ишлайдиган иситиш қозонлари (200 кВт ва 400 кВт);
- буг қозонлари (соатига 500 кг дан 4000 кг гача);
- икки йўналишли (каналли) сув иситиш қозонлари (100 кВт ва 200 кВт);
- ерга ўрнатиладиган иссиқликни алмаштирувчи найсимон қозонлар (7 кВт дан 16 кВт гача);
- ерга ўрнатиладиган иссиқликни алмаштирувчи пластинкасимон қозонлар (20 кВт дан 100 кВт гача);
- ерга ўрнатиладиган иссиқликни алмаштирувчи икки контурли пластинкасимон қозонлар (10 кВт дан 40 кВт гача).

Қозонлар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга. Барча қозонлар учун қафолат — 24 ой.

Кўргазмалар ва сўвраси марказлари манзиллари: 1. Тошкент ш., «Миробод» (собик «Госпитал») бозори, санoат моллари каторидаги 1-дўкон. Тел.: 306-40-39, 133-44-73. 2. Тошкент ш., С. Азимов ва «Ўзбекистон овози» кўчалари кескиган жойда (Мўлжал: Шаҳри хайкали, эски ҳайвот боғи). Тел./факс: 132-21-22, 176-77-34.

Орамиздаги одамлар



... Аслида у эсини таниганидан журналист бўлиши орзу қиларди. Йиллар ўз кучини кўрсатиб, улгайди-ю, олий ўқув даргоҳи остонасида билимларни синодан ўтказиш пайти келганда ота ўз истагини айтиди. Қизининг олпоқ халат кийиб, хасталар дардига малҳам топгувчи, кўннинг дуссини олгувчи дўхтир бўлишини кўриш бирдан-бир орзуси эканини таъкидлади. Шу-шу журналистика унинг армони бўлиб қолди, ортада қолган болагига қўшилиб, юракнинг бир четидан кўним тоғди. Мана, 25 йилдирки, Гулнора Умарова шифокор. Тошкент Тиббиёт академиясининг биринчи клиникаси, Ревматология бўлими етакчи мутахассиси сифатида кунига ўнлаб беморларни қабул қилади. Улар дардини тингласа-да, кечалари тинмай китоб титиб, изланса-да, чарчадим демайди.

КЎНГИЛ ТАБИБИ

Айни пайтгача шифокор қўлида бўғим касалликларига чалинган кўплаб беморлар шифо топди. Юрак ревматик касалликлари, ревматоидли полиартрит, остеопороз, "кизил бўрича" касаллиги (бу касаллик аёлларда учрайди. Шу кунгача у билан оғриган беморлар она бўлиш бахтидан мосуво эди. Гулнора Умарова ва унинг ҳамкасблари савий-харакати билан касалликка чалинган 6 нафар хотин-қиз омон-эсон оналик бахтига муяссар бўлди) каби хасталиклар шифокор ҳузурига келаётган беморларни безовта қилувчи асосий сабаблардан дур.

Гарчанд, касби касал кўриш бўлса-да, шифокор хаста одам камайсин, дейди. Бугун аҳоли саломатлигига давлат миқёсида эътибор берилётгани, замонавий технологиялар ёрдамида касалликни аниқлаш, хорижий давлатлар билан тиббиёт соҳасида ҳам муштахкам алоқалар ўрнатилётгани уни руҳлантиради. Айни пайтда Гулнора "Ревматоидли полиартрит касаллигида суюқ муртлашини даволаш усуллари" мавзусида илмий тадқиқот олиб бормоқда. Маълумки, бугунги кунда касалликка эм бўлиш учун кўланлидаган кўплаб дори препаратлари

ларимиз жони оғривса ҳам шифокорга мурожаат қилишдан негидир қочадилар. Уларини арасалар, йилга, ҳеч бўлмаса, бир марта шифокор кўригидан ўтиб турсалар, спортнинг гимнастика, сузиш турлари билан мунтазам шугулланишга фурсат топсалар касалликка энгилмасдилар. Айниқса, сузиш билан шугулланиш ортиқча вазн тўплаш натижасида бўғим касалликларига чалинган катта ёшли аёллар учун фойдалидир.

Табибнинг туну кун инсонлар саломатлиги ҳақида қайғуришини минг дардга даво бўлиши ширин сўздан куч олаётган беморлари қатори у билан йиллар давомида елкама-елка туриб хизмат қилаётган ҳамкасблари ҳам қайта-қайта таъкидлашади.

Зеро, буюк мутафаккир Навоий ҳазратлари айтганидек:

Кимки, бир кўнгли бузукнинг хотирин шод айлағай, Очча борким, Каъба вайрон бўлса, обод айлағай! Муборак ОХУНОВА, "Халқ сўзи" мухбири.

БУХОРО ОЗИҚ-ОВҚАТ ВА ЕНГИЛ САНОАТ ТЕХНОЛОГИЯСИ ИНСТИТУТИ

2007-2008 ўқув йилида бакалавр ва магистрлар тайёрлаш учун 1-курсга қабул эълон қилади.

I. БАКАЛАВРИАТ, КУНДУЗГИ БЎЛИМГА:

- 1. Касб таълими йўналишлари: - ижтимоий-иқтисодий соҳа (менежмент, маркетинг, иқтисодиёт) (ўзбек ва рус тилларида); - техник соҳа (ўзбек ва рус тилларида); - озиқ-овқат технологияси (ўзбек тилида); - тўқимачилик, енгил ва қоғоз саноати буюмлари кимёвий технологияси (ўзбек тилида); - нефть ва нефть-газни қайта ишлаш технологияси (ўзбек тилида); 2. Бизнес, муҳандислик, ишлов бериш ва қурилиш тармоқлари йўналишлари: - менежмент (соҳалар бўйича) (ўзбек ва рус тилларида); - технология машиналар ва жиҳозлар (нефтни қайта ишлаш ва кимёвий ишлаб чиқаришлар машина ва аппаратлари) (ўзбек тилида); - нефть ва газ иши (ўзбек ва рус тилларида); - бинолар ва иншоотлар қурилиши (ўзбек тилида); - тўқимачилик саноати маҳсулотлари технологияси (ўзбек тилида); - енгил саноат маҳсулотлари технологияси (ўзбек тилида); - электр энергетикаси (ўзбек тилида); - тўқимачилик, енгил ва қоғоз саноати буюмлари кимёвий технологияси (ўзбек тилида); - нефть ва нефть-газни қайта ишлаш технологияси (ўзбек ва рус тилларида); - озиқ-овқат технологияси (маҳсулотлар турлари бўйича) (ўзбек тилида).

II. БАКАЛАВРИАТ, МАХСУС СИРТҚИ БЎЛИМГА:

- Касб таълими йўналишлари: - ижтимоий-иқтисодий соҳа (менежмент, маркетинг, иқтисодиёт) (ўзбек тилида); - техник соҳа (ўзбек тилида).

Абитуриентлардан қабул комиссиясига қуйидаги ҳужжатларни топшириш талаб қилинади: ректор номига ариза; аттестат ёки диплом иловаси билан (асл нусхаси); 086-У шаклидаги тиббий маълумотнома; 3,5x4,5 см. ўлчамли 6 та фотосурат; меҳнат дафтарчасида белгиланган тартибда тасдиқланган кўчирма (махсус сиртқи бўлим учун); фуқаролик паспортининг нусхаси.

Фуқаролик паспорти ва ҳарбий хизматга алоқадорлиги тўғрисидаги ҳужжат шахсан кўрсатилади. Махсус сиртқи бўлимга ўрта махсус маълумотли, камидан уч йил амалий педагогик иш стажига эга бўлган фуқаролардан ҳужжатлар қабул қилинади.

Ҳужжатлар 20 июндан 20 июлгача қабул қилинади. Йўналишлар бўйича тест синовлари кундузги ва махсус сиртқи бўлимларда 1 августда қуйидаги фанлардан ўтказилади:

- 1. Ижтимоий-иқтисодий соҳа (менежмент, маркетинг, иқтисодиёт) ва менежмент (соҳалар бўйича) йўналишлари учун: математика — 3,1; чет тили — 2,1; она тили ва адабиёти — 1,1. 2. Электр энергетикаси, технологик машиналар ва жиҳозлар (нефтни қайта ишлаш ва кимёвий ишлаб чиқариш машина ва аппаратлари, тўқимачилик ва енгил саноат машина ва аппаратлари, озиқ-овқат саноати машина ва агрегатлари); транспорт воситаларини ишлатиш ва таъмирлаш; машинасозлик технологияси, машинасозлик ишлаб чиқариш жиҳозлари ва уларни автоматлаштириш; тўқимачилик саноати маҳсулотлари технологияси; енгил саноат маҳсулотлари технологияси; бинолар ва иншоотлар қурилиши; информатика ва ахборот технологияси; нефть ва газ иши йўналишлари учун: математика — 3,1; физика — 2,1; она тили ва адабиёти — 1,1. 3. Озиқ-овқат технологияси; тўқимачилик, енгил ва қоғоз саноати буюмлари кимёвий технологияси; нефть ва нефть-газни қайта ишлаш технологияси йўналишлари учун: кимё — 3,1; математика — 2,1; она тили ва адабиёти — 1,1.

III. МАГИСТРАТУРА:

- озиқ-овқат хавфсизлиги (ўзбек тилида); - ўсимлик мойлари ишлаб чиқариш технологияси (ўзбек тилида); - ёғларни қайта ишлаш технологияси (ўзбек тилида); - дон ва бошқа ўсимлик маҳсулотларини сақлаш, дастлабки ишлов бериш (ўзбек тилида); - вино ишлаб чиқариш технологияси (ўзбек тилида); - умумий оқватланишни ташкил этиш ва унинг технологияси (ўзбек тилида); - озиқ-овқат саноати машиналари ва аппаратлари (ўзбек тилида); - чарм ва мўйна технологияси (ўзбек тилида); - тўқимачилик ишлаб чиқариш технологияси (ўзбек тилида); - тикув маҳсулотлари технологияси (ўзбек тилида); - электр таъминоти (ўзбек тилида); - тўқимачилик, енгил саноати машина ва аппаратлари (ўзбек тилида); - қурилиш конструкциялари, бинолар ва иншоотлар (ўзбек тилида); - автомобиллар ва автомобиль хўжалиги (ўзбек тилида); - менежмент (соҳалар бўйича) (ўзбек тилида); - тармок иқтисодиёти (тармоқлар ва соҳалар бўйича) (ўзбек тилида); - нефть ва газни қайта ишлаш ва унинг кимёвий технологияси (ўзбек тилида); - нефть ва газ конларини ишга тушириш ва улардан фойдаланиш (ўзбек тилида); - машинасозликда технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш (ўзбек тилида).

Магистратурада ўқиш фақат кундузги шаклда амалга оширилади.

Магистратурага қирувчилар 1 июлдан 30 июлгача қабул комиссиясига қуйидаги ҳужжатларни топшириш талаб қилинади: ректор номига ариза; олий маълумоти тўғрисидаги диплом иловаси билан (асл нусхаси); 086-У шаклидаги тиббий маълумотнома; 3,5x4,4 см. ўлчамли 6 та фотосурат.

Институт манзили: Бухоро шаҳри, Қ.Муртазоев кўчаси, 15-уй, Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институти, 1-ўқув биноси. Телефон: (8-365) 223-74-36. Қабул комиссияси.

Спорт Sport Спорт Sport Спорт Sport

МУСОБАҚАЛАР ҚИЗГИН ПАЛЛАГА КИРДИ

Тошкентда шахмат бўйича 16-18 ёшгача бўлган ўсмирлар ва қизлар ўртасида навбатдаги Осиё чемпионати давом этмоқда.

«Ақл гимнастикаси» усталари баҳсида майдон эгаларидан ташқари Хиндистон, Эрон, Қозғистон, Тожикистон, Қирғизистон, Афғонистон каби ўнга яқин давлатдан келган ёш шахмат усталари голиблик учун донга ошмоқдалар.

Туртинчи тур якунига қўра, 16 ёшгача бўлган қизлар ўртасидаги беллашуларда хиндистонлик шахматчи Р. Педийани ва К.Поллар 3,5 тадан очко жағғариб пешқадамлик қилишмоқда. Хамюртларимиздан Г. Эсонбоева, С. Қурбонбоева ва қозғистонлик Г. Накбаева-лар ҳисобида 3 тадан очко бор.



Т. ҚУРБОНБОВ олган сурат.

Осиё кубоги финал босқичи баҳслари бошланишига ҳам санокли кунлар қолди.

ИШОНЧЛИ ҚАДАМ

Ўзбекистон миллий терма жамоаси «Панчжу» машғулотлар базаси (Жанубий Корея)да Ироқ футболчиларига қарши ўртоқлик учрашувида майдонга тушди.

www.uff.uz сайтидан олинган маълумотда таъкидланишича, хамюртларимиз ўйиннинг дастлабки дақиқаларидан тезкор ҳужум уюштиришган. 3-дақиқада Азиз Иброҳимов ҳисобни очишга муваффақ бўлди. Мухими, Словакиянинг «Слован» клуби сафида тўп сураётган юрдошимиз миллий терма жамоа сафидаги дебют матчи тезкор гол билан бошлади.

Иккинчи бўлимда захирадан майдонга тушган Тимур Қападзе ва Сервер Жепаровлар бир-бирларига тўп ошириб, Улугбек Бақоевга қулай вазият яратиб беришди. У 25 метрлар масофадан дарвозани аниқ нишонга олди (2:0).

Миллий терма жамоамиз навбатдаги ўртоқлик учрашувини бугун Жанубий Корея футболчиларига қарши ўтказди. Учрашув Тошкент вақти билан 14:00 да бошланади.

Эслатиб ўтамиз, Осиё кубогининг финал босқичи бу йил Таиланд, Вьетнам, Малайзия ва Индонезия мамлакатларида бўлиб ўтади. «С» гуруҳидан жой олган Ўзбекистон терма жамоаси биринчи учрашувини 11 июль кuni Эрон терма жамоасига қарши ўтказди.



З. ЖОНИБЕКОВ, "Халқ сўзи" мухбири.

GAZ РУСУМЛИ АВТОМОБИЛЛАР
Ўзбекистондаги расмий эксклюзив дистрибьютор AVTODOM PLUS
КРЕДИТ ВА ЛИЗИНГГА
GAZ-3221 Микроавтобус, 13,15 ўриндиқли
GAZ-31105 «ВОЛГА»
GAZ-33023 «Фермер», юк кўтариши — 1,5 тн., 6 ўриндиқли
GAZ-32214 (4x4) «Тез ёрдам»
GAZ-3307, 40 та газ баллонлари ташувчи
GAZ-2705, 7 ўриндиқли металл билан қопланган фургон, юк кўтариши — 1,3 тн., 3 ёки 7 ўриндиқли
GAZ-3309 Турбодизель юк кўтариши — 4,5 тн., 2 ўриндиқли
GAZ-3307 Автовакуатор
GAZ-3302, нон ташийдиган, лотоклар сони — 112 та, 3 ўриндиқли
700015, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., «Шахрисабз» к., 16-«А» уй.
Тел./факс: (998-71) 132-16-38, 132-10-35, 132-03-62. Тезкор мулоқот линияси телефонлари: 126-12-94, 126-25-42. E-mail: info@auto.uz web-site: www.auto.uz

МИНСК БЕЛАРУС
ТРАКТОР ЗАВОДИ
Ўзбекистон Республикасидаги расмий дилери орқали
МТЗ «Беларусь» ТРАКТОРЛАРИ
МИНИ ТЕХНИКА ва улар учун эҳтиёт қисмларни тақриф этади.
KAMMAZ ARSENAL
Тошкент ш., «Братислава» к., 11. Тел.: 361-40-75, 361-40-90. Факс 361-40-33. Сайт: www.uzkam.com

Халқ сўзи Народное слово
Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 656. 25266 нусхада босилди.
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2.
ТЕЛЕФОНЛАР: Газетхоналар билан алоқа ва минақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА яқуни — 21.35 Тошпириди — 22.10 2 3 4 5 6
МАНЗИЛИМИЗ: 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — А. Орипов. Навбатчи муҳаррир — Г. Йўлдошева. Навбатчи — Ш. Ортиқов. Мусаҳҳих — Ш. Машраббоева.